


Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент-2023



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил «29» 08 даги 397 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий ва тармоқ малака доиралари (рамкаси), касбий стандартлар ва кадрлар буюртмачилари таклифларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.3.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашни таъминлайдиган фанлар ва амалиётларга қўйиладиган талаблар.....	7
2.3.1	Квалификация.....	8
2.3.2	<i>60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши учун ажратилган ўқув фанлари, блоклар бўйича соатлар в кредитлар.....	8
2.3.3	<i>60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	10
	Керишув варағи	11

1. 60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60610300–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби **60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60610300–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) – Компьютер технологиялари ва информатика соҳасининг йўналиши бўлиб, ахборот коммуникация тизимининг давлат ва нодавлат корхоналари, ташкилотлар, давлат бошқарув органларида ахборот-коммуникация технологияларига доир комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60610300–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

- ахборот технологияларининг хавфсизлигини бошқариш, муаллифлаштириш воситалари, процедура ва стандартлари;

- ахборотга таҳдидлар мавжуд бўлган ахборотлаштириш объектлари, ахборот тизимларида хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар;

- ҳимояланаётган объектларнинг ахборот хавфсизлиги жараёнларини бошқариш;

- компьютер тизимлари ва тармоқлари хавфсизлиги, мобил тизимлар хавфсизлиги,

автоматлаштирилган тизимларнинг ахборот хавфсизлиги, маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлаш;

- ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги тизимларини лойиҳалаш, хавфсизлик воситаларини созлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиладиган дастурий-аппарат воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш жараёнлари;

- ахборот хавфсизлигининг дастурий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги тизимларининг самарадорлигиини ошириш жараёнлари.

- илмий – тадқиқот жараёни.

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60610300–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- муҳандислик ва лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60610300–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятда:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;

- Интернет тармоғида энг янги илмий маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш.

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси тркибида касбий фаолият масалаларни ечиш.

Муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик фаолиятда:

- лойиҳа-конструкторлик тадқиқотларда иштирок этиш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида ўтказиладиган жараёнларда қатнашиш;

- касбий фаолияти объектларини лойиҳалашнинг функционал сифатини ишончлилигини баҳолаш ва иқтисодий унумдорлигини ҳисоблаш;

- дастлабки техник-иқтисодий таҳлилларни ўтказиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги лойиҳавий ечимларни асослаш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, ҳимоялаш, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.

Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:

- ахборот тизимини функционал талаблар бўйича ишга яроқлилигини, сифат меъзонларига мослигини таъминлаш;

- ахборот тизимида маълумотлар яхлитлиги, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ишга яроқлилигини ва самарадорлигини текшириш назоратида иштирок этиш;

- ахборот коммуникация тизимлари ва тармоқларини қуриш, монтажида иштирок этиш, улардан фойдаланиш ва уларни маҳсус воситалар ёрдамида бошқариш.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизим муҳитини ва инструментал воситаларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- ахборот-коммуникация тизимларининг техник воситалари, қурилмалари, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимларини йиғиш ва ишга тушириш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш;
- талаб ва стандартларни инобатга олган ҳолда ахборот коммуникация тизимларни яратиш, ўрнатиш, жорий қилиш, созлаш, кузатиш ва қўллаб қувватлаш;
- фан таълим, маъмурий, бошқарув ва бизнес каби касбий фаолият объектларида назарий ва экспериментал моделларни ишлаб чиқиш ва амалда тадқиқ этиш;
- касб фаолияти йўналишида чора тадбирларни ташкиллаштириш ва бажариш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назардан;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- моддий, меҳнат ва ахборот ресурсларидан рационал фойдаланишни таъминлаш;
- касбий фаолият ҳолатининг асосий кўрсаткичларини ва ахборот ресурсларини режалаштириш, таҳлил қилиш, натижаларни баҳолаш ва ҳисобот тайёрлаш;
- ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш гуруҳлари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш ва назорат қилиш, ҳамда натижаларни баҳолаш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ахборот хавфсизлиги бўйича турли хизматлар кўрсатиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.
- Тадбиркорлик фаолиятида:
- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60610300–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, аниқ илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат

фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий-тадқиқот мавзуси бўйича ахборотларни ҳимоялаш механизмларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш қобилиятларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот хавфсизлигининг халқаро, миллий ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, ҳимоялаш воситаларини (тайёргарлик профилига мос равишда) қўллаш қобилиятларига эга бўлиш;

- ахборотнинг бутунлиги, конфиденциаллиги ва фойдаланувчанлигини таъминлаш усулларини қўллаш қобилиятларига эга бўлиш;

- фаолиятида корпоратив тизимларда фойдаланувчиларни идентификация, аутентификация ва авторизациясини таъминлашнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

- ахборот коммуникация тизимлари ва тармоқларини қуриш, сошлаш ва тармоқни махсус воситалар ёрдамида бошқариш қобилиятларига эга бўлиш;

- компьютер тармоқлари ва тизимларини хавфсизликка текшириш, ишни бажариш учун зарур бўлган воситаларни аниқлаш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиш;

- дастурий иловаларни хавфсизликка текширишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ахборот тизимларининг маълумотлар базасини қуриш, маълумотлар базасини хавфсизлигини таъминлаш малакасига эга бўлиш;

- корпоратив ахборот тизимлари, маълумотлар базасини юритиш ва уларда ахборот хавфсизлигини таъминлашни билиш;

- ахборот хавфсизлиги бўйича лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- криптографик алгоритмларни таҳлил қилиш ҳамда улардан ахборотнинг криптографик ҳимоясини таъминлаш учун фойдалана олиш *илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларига эга бўлиш.*

2.3. Умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашни таъминлайдиган фанлар ва амалиётларга қўйиладиган талаблар

Талабалар умумий ва касбий компетенциялар, билим ва кўникмаларни эгаллаши ўқув режасига мантиқий кетмакетлигидан киритиладиган **мажбурий ва танлов** фанларни ўзлаштириш, амалиётларни ўтиш ҳамда бошқа ўқув машғулоти ва академик вазифаларни бажариш ёрдамида амалга оширилади.

Мажбурий фанлар – бакалаврият таълим йўналиши бўйича бевосита умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашга қаратилган, зарур таянч билим ва кўникмаларни таъминлайдиган фанлар мажмуасидир.

Танлов фанлари – таълим йўналиши доирасида ихтисослашувдан келиб чиқиб чуқурлаштирилган, қўшимча билим бериш, бевосита ихтисослиги учун зарур компетенцияларни кенгайтиришга хизмат қиладиган, шунингдек, талабанинг шахсий қизиқишлари, ижодий ёндашувлари ва иқтидорини қўллаб-қувватлашга қаратилган фанлар мажмуасидир.

фанлар мажмуасидир.

Таълим йўналиши бўйича қуйидаги амалиётлар ўтказилади:

малакавий амалиёт – умумқасбий ва ихтисослик фанларидан назарий билимларни мустақамлаш ва амалий (ишлаб чиқариш) жараёнлари билан уйғунлаштириш, тегишли амалий кўникмалар, компетенциялар ва малакаларни шакллантиришга қаратилади;

2.3.1. Квалификация: Ахборот хавфсизлиги муҳандиси ва дастурчи-маъмур.

2.3.2. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши учун ажратилган ўқув фанлари, блоклар бўйича соатлар в кредитлар:

Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Кундузги таълим шакли учун фанларга ажратилган соат	Ажратилган кредит
Мажбурий фанлар	4980	166
Танлов фанлар	1200	40
Малакавий амалиёт	570	19
Яқуний давлат аттестацияси	450	15

2.3.3. 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши:

Т.р.	Фаннинг малакавий коди	Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкларнинг хажми, соатларда	Кредит миқдори	Фан ўтиладиган семестр
1.00		Мажбурий фанлар	4980	166	
1.01	UYTB104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120	4	1
1.02	FALB204	Фалсафа	120	4	4
1.03	URTB106	Ўзбек (рус) тили	120	4	2
1.04	XJTB104	Хорижий тил	120	4	1
1.05	JTSB105	Диншунослик	120	4	4
1.06	AAGB1101	Чизиқли алгебра ва аналитик геометрия	300	10	1,2
1.07	DMMB1091	Дискрет математика ва математик мантик	330	11	1,2
1.08	MANB1201	Математик анализ	300	10	1,2
1.09	ATDB118	Дастурлаш асослари	360	12	1,2
1.10	AXAB205	Ахборот хавфсизлиги асослари	150	5	2
1.11	ENMB209	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	120	4	3
1.12	SINB212	Сунъий интеллект тизимлари	150	5	3
1.13	KMAB205	Криптологиянинг математик асослари	150	5	3
1.14	BBZB2041	Берилганлар базаси	150	5	3
1.15	OSSB2015	Операцион тизимлар	150	5	3
1.16	KTRB2091	Компьютер тармоқлари	360	12	3,4
1.17	ABSB2051	Алгоритмлар ва берилганлар структураси	150	5	4
1.18	ANTB118	Алгоритмлар назарияси	150	5	4
1.19	АНVB3051	Ахборотни ҳимоялашнинг техник усуллари ва воситалари	150	5	5
1.20	VDXB120	Веб дастурлар хавфсизлиги	150	5	5
1.21	TAXB121	Ташкилотда ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари	150	5	5
1.22	АНКУ313	Ахборотни ҳимоялашнинг криптографик усуллари	300	10	5,6
1.23	BLTB423	Блокчейн технологиялари	150	5	6
1.24	KPRB407	Криптографик протоколлар	120	4	6
1.25	KBHB3101	Киберхавфсизлик	360	12	6,7

1.26	OFZB310	Криптотахлил элементлари	180	6	7
2.00		Танлов фанлар	1200	40	
2.00		<i>Танлов фанлар</i>	1200	40	4,5,6,7
		Жами	6180	206	
		Малакавий амалиёт	570	19	4,6,8
		Яқуний давлат аттестацияси	450	15	8
		Жами	1020	34	
		ҲАММАСИ	7200	240	

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети
Ректор И.Маджидов

2023 йил _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор Ш.Якубов

2023 йил « _____ » _____

М.Ў.

«Киберхавфсизлик маркази»
Давлат унитар корхонаси



Директор О.Мирзаев

2023 йил « _____ » _____

М.Ў.

Ислоҳ Каримов номидаги
Тошкент Давлат техника университети



Ректор С.Турабжонов

2023 йил « _____ » _____

М.Ў.

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети



Ректор К.Шарипов

2023 йил « _____ » _____

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ” _____ 2023 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар -Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети ректори С.Турабджанов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори К.Шарипов, «Киберхавфсизлик маркази»ДУК директори О.Мирзаев, Ўзбекистон Миллий университети ректори И. Маджидов билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаби ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

60610300–Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши.

Малака талаби ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5847-сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 15-июндаги “2023/2024 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” ги Ф-31-сон фармойиши ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

Тошкент Давлат техника
университети ректори

С. Турабджанов

Тошкент Давлат иқтисодий
университети ректори

К. Шарипов

Ўзбекистон Миллий университети
ректору

И. Маджидов

«Киберхавфсизлик маркази»
ДУК директори

О. Мирзаев



(Handwritten signatures and stamps)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60610300–Ахборот хавфсизлиги (*компьютер тизимлари хавфсизлиги*) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

ТАҚРИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (*компьютер тизимлари хавфсизлиги*) таълим йўналиши малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга риоя етилган.

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (*компьютер тизимлари хавфсизлиги*) таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси жаҳон стандартлари ва тажрибалари асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда назарий билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий-педогогик малакалари шаклланишини таъминлашга алоҳида этибор қаратилган, Мазкур малака талаблари ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган. Бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш ва улардан самарали фойдалана олиш, аудиториядаги дарслар ва ундан ташқаридаги мустақил таълим уйғунлигида ўқитиладиган фанлар ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш кўникмалари тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий усул ва компьютер технологияларига, амалий машғулот ва малакавий амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсмоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (*соҳалар бўйича*) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга

йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг касбий стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**ЎзМУ Амалий математика ва
компьютер таҳлили кафедраси
муdiri, Ф.-м.ф.д., доцент**



А.С.Матякубов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида
ишлаб чиқилган 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши
бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий
билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган
малака талаблари ва ўқув режасига

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини ижро этиш,
таълим мазмуни тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг
республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар
талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илғор
жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш бевосита малака талабларининг мазмунига
боғлиқ.

60610300 – Ахборот хавфсизлиги(соҳалар бўйича) таълим йўналишининг малака
талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон
Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини
тасдиқлаш тўғрисида”ги 5847-сон фармони, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим
муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган
кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда ЎзР ОЎМТВ нинг 2018 йил 6
июндаги “Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб
чиқиш тўғрисида”ги № 87-02-1322-сонли буйруғи, олий таълим соҳасини тартибга
солувчи бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда хориж тажрибаларига мувофиқ
ишлаб чиқилган.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси кредит-модул тизими асосида
шакллантирилган ва касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ,
талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўташи ва
натижада келажак касби учун зарур билим, кўникма ва малакаларни чуқур егаллашни
таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича
тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси хориж тажрибаси асосида
уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда билим, мустақил фикрлаш, юксак касб
малакасини шаклланишини таъминлашга алоҳида этибор қаратилган, кўникмалар ҳамда
тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни мукамал билиши ва улардан самарали
фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан
олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда
замонавий услуб ва ахборот технологияларига, малакавий амалиётларига, семинар
машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга
кенг имкониятлар яратилган.

Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари
битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини
амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб
чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба,
мустақил ишлар учун тақсимооти битирувчининг назарий билимларини мустақамлаш ва
уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60610300 – Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

Тошкент давлат техника университети
Ахборот технологиялари кафедраси
муdiri т.ф.д., профессор



М.В.Сагатов